

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

---

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

2-2019

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

## М У Н Д А Р И Ж А

### Аниқ ва табиий фанлар

#### МАТЕМАТИКА

**А.К.Ўринов, А.Н.Рафиков**

Иккита сингуляр коэффициентли гиперболик типдаги тенгламанинг умумий ечимини  
қуриш.....5

**А.С.Бердышев, М.С.Азизов**

Тўғри тўртбурчакда тўртинчи тартибли сингуляр коэффициентли тенглама учун аралаш  
масала.....10

#### ФИЗИКА, ТЕХНИКА

**О.Деҳқонова, Ф.Юсупова**

Умумий ўрта таълим мактабларида физикани ўрганиш самарадорлигини оширишда  
интерфаол методларни қўллаш .....20

#### КИМЁ

**Б.Саттарова, И.Асқаров, А.Жўраев, К.Киргизов**

Табиий ва синтетик озиқ-овқат қўшилмаларининг фойдали ва зарарли хусусиятлари.....24

**Ғ.Очилов, Г.Турсунова, Р.Карабаева, А.Иброхимов, М.Исақов**

Мева данакларидан адсорбентлар олиш ва физик-кимёвий хоссаларини ўрганиш.....27

#### БИОЛОГИЯ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

**Р.Х.Максудов**

Асаларичилик ва ушбу соҳа ривожда олий маълумотли мутахассисларнинг ўрни .....31

#### ГЕОГРАФИЯ, ТУПРОҚШУНОСЛИК

**Р.Қ.Қўзиев, Н.Ю.Абдурахмонов, Н.Ж.Халилова**

Тупроқ унумдорлигини баҳолашнинг айрим жиҳатлари.....34

### Ижтимоий-гуманитар фанлар

#### ИҚТИСОДИЁТ

**А.Гафуров, Г.Халматжанова, А.Мирзаев**

Ўзбекистон иқтисодиётида инновация ва модернизация .....38

#### ТАРИХ

**А.Маҳмудов**

Усмон Хўжа Пўлатхўжаев ижтимоий-сиёсий фаолиятини ўрганишнинг манбашунослиги ва  
тарихшунослиги .....42

**Ў.Хошимов, Р.Шукурулаев**

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида олий таълим муассасаларида кадрлар  
тайёрлашдаги ўзгаришлар (Фарғона водийси мисолида).....46

**Т.Хатамов**

Ўзбекистонда халқ таълими тизимининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш,  
хорижий тилларни ўқитиш ва кадрларни қайта тайёрлашда халқаро муносабатларнинг  
илмий таҳлили.....50

**У.Хўжамуратов**

Ўзбекистонда ширкат хўжаликларидаги муаммолар ва уларнинг тугатилиши.....55

**А.Алохунов**

Фарғона қадимги шарқ илк деҳқон жамоаларининг миграциялари даврида.....60

#### ФАЛСАФА, СИЁСАТ

**Ж.Я.Яхшиликков, Б.Мирзарахимов**

Жамият ҳаётига мафкуравий муносабатларнинг таъсири ва уларнинг намоён бўлиши  
хусусиятлари .....64

**Б.Ғаниев, М.Ғаниева, М.Неъматова**

Ҳуқуқ фалсафасига доир қарашлар: назария ва амалиёт.....67

**Ш.Аббосова**

Глобаллашув шароитида жамият хавфсизлиги ҳамда мамлакат барқарорлигини  
таъминлаш масалалари.....72

УДК: 266+006.2

## ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА ЖАМИЯТ ХАВФСИЗЛИГИ ҲАМДА МАМЛАКАТ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ

Ш.Аббосова

### Аннотация

Мақолада ҳозирги даврда дунё миқёсида фаоллашиб бораётган миссионерлик ва прозелитизм ҳаракатининг моҳияти, мақсадлари ва миллий давлатлар ҳамда халқларнинг тинч, осойишта турмушига солаётган хавфи масалалари ёритилган. Шунингдек, унга қарши курашнинг қонуний асослари тўғрисида тавсиялар берилган.

### Аннотация

В статье освещена сущность и цели движения миссионерства, активизировавшегося в настоящее время в мировом масштабе, а также прозелитизма, представляющих угрозу безопасности и мирной жизни национальных государств и народов. Даны рекомендации по правовым основам борьбы с этими опасными явлениями.

### Annotation

The article is devoted to the analysis of the problem of ensuring the safety of society and the stability of the country, aggravating in recent years with the spread of missionary work and proselytism. It reveals in detail the goals and nature of these extremist movements, which contribute to the emergence of ideological threats to the peaceful and secure life of the peoples of the world. It has been given the recommendations on struggling with dangerous phenomenon on legal base.

**Таянч сўз ва иборалар:** ғоя, мафкура, глобаллашуве жараёнлари, мафкуравий жараёнларнинг глобаллашуви, жамият хавфсизлиги, мамлакат барқарорлиги, миссионерлик, прозелитизм, диний конфессия, диний эътиқод, виждон эркинлиги, Конституция, дунёвийлик, диний бағрикенглик, дунёвий давлат.

**Ключевые слова и выражения:** идея, идеология, процессы глобализации, глобализация идеологических процессов, безопасность общества, стабильность в стране, миссионерство, прозелитизм, религиозная конфессия, религиозное убеждение, свобода совести, Конституция, мирской, религиозная терпимость, светское государство.

**Keywords and expressions:** idea, ideology, globalization processes, globalization of ideological processes, the safety of society, the stability of the country, missionary work, proselytism, religious denomination, religious faith, freedom of conscience, the Constitution, religious tolerance.

Глобаллашув шароитида жамият хавфсизлиги ҳамда мамлакат барқарорлигини таъминлаш, айтиш мумкинки, дунё миқёсида ҳозирги куннинг долзарб муаммоларидан бирига айланиб бормоқда. Айниқса, кейинги ўн йилликларда сайёрамизда глобаллашув жараёнларининг кучайиши натижасида авж олиб бораётган маънавий хуружлар, ёт ғоя ва мафкуралар таъсирида инсон қалби ва онгини забт этиш учун астойдил ҳаракат бутун инсониятда катта ташвиш уйғотмоқда. Шу нуқтаи назардан қараганда, миссионерлик ҳаракати глобаллашув жараёнининг энг мураккаб муаммолари қаторида ўзига хос диний-ғоявий ва мафкуравий таҳдид сифатида намоён бўлмоқда. Бу эса замонавий миссионерликнинг асл мақсадлари ва моҳиятини диний-фалсафий нуқтаи назардан ҳар томонлама асослаб беришни тақозо этмоқда. Чунки бугунги кунда миссионерлик ҳаракати нафақат инсонларнинг эътиқодига, балки турли дин, миллат ва элатларнинг ҳамжиҳатлигига ҳам

рахна солмоқда. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов: “Дунёдаги зўравон ва тажовузкор кучлар қайси бир халқ ёки мамлакатни ўзига тобе қилиб, бўйсундирмоқчи, унинг бойликларини эгалламоқчи бўлса, авваламбор, уни қуролсизлантиришга, яъни энг буюк бойлиги бўлмиш миллий қадриятлари, тарихи ва маънавиятидан жудо қилишга уринади”[2,11], дея таъкидлаган эди. Шунинг учун ҳам бугунги кунда маънавий таҳдид сифатида намоён бўлаётган миссионерлик ва прозелитизм ҳаракатларининг асл мақсад-муддаоларни танқидий ва таҳлилий жиҳатдан ўрганиш ғоят долзарб аҳамиятга эга.

Ҳозирги кунда миссионерлик ва прозелитизм ҳаракатларининг бош мақсади ҳар қандай халқ, миллат ёки элатнинг миллий маънавиятига ўз таъсирини ўтказиш, экстремистик ҳаракатларни авж олдиришга қаратилган бузғунчи ғояларни тарғиб этишда асосий омил вазифасини ўтамоқда. Шунинг учун ҳам мазкур ҳаракатларнинг

Ш.Аббосова – ФарДУ Ўзбекистон тарихи кафедраси ўқитувчиси.

## ФАЛСАФА, СИЁСАТ

олдини олиш ва уларни бартараф этиш маърифатпарвар кучлар олдидagi энг муҳим вазифага айланган. Айниқса, бугунги кунда миссионерлик ва прозелитизм ҳаракатлари геосиёсий кучлар кўмагида тобора хавфли маънавий-мафкуравий қурол сифатида, ўзга дин вакиллари эътиқодига раҳна солаётганлиги кенг жамоатчиликни ташвишли бир ҳолатга солиб қўймоқда. Бу ҳақда АҚШлик тадқиқотчи Самюэль Хантингтон ҳам ўзининг “Цивилизациялар тўқнашуви” асарида бутун инсониятни оғоҳлантириб, “турли хил динларга эътиқод қилувчи ривожланган давлатлар тўқнашади”[3,571], дея алоҳида таъкидлаган эди. Дарҳақиқат, айрим минтақаларда турли хил динларга эътиқод қилувчи халқлар орасида ижтимоий-сиёсий кучлар ўзларининг геосиёсий мақсадларини кўзлаб, низо ва келишмовчиликларни келтириб чиқаришда диндан, хусусан, миссионерлик ва прозелитизм ҳаракатларидан фойдалаётганлиги бежиз эмас. Чунки бир тилда сўзлашувчи, умумий тарих ва ягона давлатга эга бўлган, аммо турли динларга эътиқод қилувчи миллатларда диний муаммолар туфайли келиб чиқаётган низоли вазиятлар фуқаролар урушининг келиб чиқишига замин яратади. Турли даражадаги диний адоват ва тўқнашувлар оқибатида келиб чиқаётган урушлар натижасида эса ҳар қандай давлат ўз тараққиётида анча орқада қолиб кетади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, диний таълимотлар жамият ва давлат ҳаётида муҳим ўрин тутиб, инсонни бошқаришда алоҳида аҳамиятга эга. Зеро, аксарият сиёсий кучлар ўзларининг ғаразли мақсадларини амалга оширишда бевосита диндан фойдаланиш учун уринишлари сир эмас. Айниқса, дунё миқёсидаги сиёсий жараёнларга асосий таъсир воситаси сифатида мафкуравий суқилиб кириш, ижтимоий муносабатларга таъсир ўтказиш, бевосита миссионерлик ва прозелитизм ҳаракатлари орқали амалга ошириш кулайдир.

Миссионерлик ва прозелитизм тарафдорлари аксарият ҳолатларда турли ниқоблар, жозибали шиор ва ғоялар пардаси остида фаолият кўрсатади. Ўз навбатида бу ҳолатнинг миллий, диний, ирқий низоларни келтириб чиқариши оқибатида у давлатлараро барқарорликни ҳам издан чиқариш учун замин яратади. Тарихий

жараёнлар силсиласи нуқтаи назаридан қараладиган бўлса, миссионерлик ва прозелитизм ҳаракатлари инсоният тарихида доимо ўта кескин кўринишлар жиддий можароларни, зиддиятларни келтириб чиқарганлигига гувоҳ бўламиз. Зеро, миссионерлик ва прозелитизм замирида миллий, диний адоватлар қўзғатиш оқибатида жамият хавфсизлиги ва мамлакат барқарорлигига таҳдид солиш каби ҳолатлар устувор аҳамият касб этади. Айни шу маънода, Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов қайд этганидек: “Кўпчилик давлатлар қаторида Ўзбекистонимизда ҳам айни мана шундай таҳликали вазиятнинг олдини олиш, остонамизга қўймаслик, юртимизда бугун ҳукм сураётган тинчлик ва барқарорлик, меҳр-оқибат муҳитини асраш, шу билан бирга, юз бериши мумкин бўлган ҳар қандай хатарли бурилишларга тайёр бўлиш мақсадида ўзимизнинг қатъий позициямиз ва сиёсатимизни аниқ белгилаб олганмиз”[4,273]. Чунки миссионерлик ва прозелитизм ҳаракатининг асосий мазмун-моҳияти айрим давлатларда ҳукм сураётган нотинч вазиятлардан фойдаланган ҳолда, ҳокимият бошқарувида вужудга келаётган айирмачилик (сепаратизм), жумладан, диний асосдаги ғайриинсоний тамойилларни амалга ошириш орқали жамият ҳаётида парокандаликни юзага келтириш билан характерланади.

Юртимизда яшовчи барча миллат ва элатларнинг бирдамлигини таъминлашда диний бағрикенгликни мустаҳкамлаш, бир ғоя атрофида бирлашиш тамойилига амал қилинмоқда. Бу ҳақда фикр юритганда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев қайд этганидек: “... бизнинг қадимий ва саховатли заминимизда кўп асрлар давомида турли миллат ва элат, маданият ва дин вакиллари тинч-тотув яшаб келган”[1]. Бинобарин, халқимизнинг азалий қадрияти ҳисобланмиш эзгулик, меҳр-мурувватлилик ва том маънодаги бағрикенглик бизнинг халқимизга хос менталитетнинг асосини ташкил этади.

Ҳозирги кунда миссионерлик дунё миқёсида диний ақидапарастлик, фундаментализм, экстремизм, терроризм, гиёҳвандлик каби тобора глобаллашиб бораётган муаммодир. Зеро, “ҳар бир ижтимоий ҳодисанинг ижобий ва салбий

томони бўлгани сингари глобаллашув жараёни ҳам бундан мустасно эмас. Ҳозирги пайтда унинг ғоят ўткир ва кенг қамровли таъсирини деярли барча соҳаларда кўриш, ҳис этиш мумкин"[5,111]. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, жаҳонда фаолият кўрсатаётган турли ижтимоий-сиёсий кучлар махсус хизматларнинг молиявий маблағлари ёрдамида ривожланаётган, айниқса, катта иқтисодий ва энергетик имкониятларга эга бўлган мамлакатларда, хусусан, Ўзбекистонда маънавий бошбошдоқликни вужудга келтиришга интилаётган кучлар мавжудлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Айнан ана шу мақсадда "Бирлашиш черкови", "Оқ биродарлик", "Иегова гувоҳлари", "АУМ-Сенрикё", "Саентологик черков", "Адвентистлар" каби диний секталар ва миссионерлик ҳаракатлари кейинги йилларда анча фаоллашиб қолганлигини алоҳида таъкидлаш мумкин. Айрим манбаларда қайд этилишича, бугунги кунда МДХ давлатлари ҳудудидан 45 дан ортиқ ана шундай секталар фаолият кўрсатмоқда[6]. Бу оқимларнинг мамлакатимиз ҳудудига турли йўллар билан кириб келиш хавфи мавжудлигини ҳам ҳеч ким инкор қила олмайди.

Миссионерлик ва прозелитизм ҳаракатлари тўғрисида гап кетаркан, юртимизнинг бир қатор олимлари ўз тадқиқотларида ушбу сўзларга берган айрим изоҳларига ҳам таянмоқ ўринлидир. Жумладан, сиёсат фанлари доктори, профессор Н.Қ.Жўраев фикрига кўра, миссионерлик латин тилидаги "миссио" сўзидан олинган бўлиб, "юбориш", "вазифа топшириш", "жўнатмоқ" деган маъноларни англатади. Миссионерлик ўз моҳиятига кўра, бирон-бир динга эътиқод қилувчи халқлар орасида ўзининг диний қарашларини тарғиб этишни англатса, прозелитизм юнонча "proselitizm" сўзидан олинган бўлиб, "келгинди, бир жойдан бошқа жойга кўчувчи", "ўзининг диний эътиқодидан бошқасига ўтувчи" деган маънолар билан бир қаторда, "тўғридан-тўғри бирон-бир динга ишонган фуқарони ўз динидан воз кечишга ва ўзга динни қабул қилишга мажбур қилиш", деган маъноларни англатишини алоҳида таъкидлайди.

Глобаллашув жараёнида инсон онги, қалби ва руҳиятини забт этиш (экспансия)га ҳаракат қилаётган миссионерлик ва прозелитизм ҳаракатининг олдини олиш ва

бартараф этишда, асосан, ахборот-психологик хавфсизликни таъминлаш долзарб вазифа ҳисобланади. Бу борада Н.Қ.Жўраев ахборот-психологик хавфсизликни таъминлашни амалга оширишда инсон онги, қалби ва руҳиятига таъйиқ ўтказишга ҳаракат қилаётган миссионерлик ва прозелитизм таҳдидининг олдини олишда ахборот-психологик хавфсизликни таъминлаш – бу, бевосита инсон руҳиятига таъсир ўтказиш орқали уни ўз ғоялари ва муқаддас ақидаларидан ва диний эътиқодидан айирадиган бузғунчи ғоялардан асрашни англатиш эканлигига алоҳида урғу бериб ўтган[5,422]. Зеро, миссионерлик ва прозелитизм ҳаракатлари замирида инсонларнинг онги, қалби ва руҳиятини эгаллаш ҳамда уни бошқаришга интилиш натижасида инсон шахси даражасидаги салбий оқибатлар, шахсият ва интеллектуал таназзул, бошқалар иродасига кўр-кўрона бўйсунуш, индивидуалликнинг йўқолиши ва унинг ўзга мазмун билан тўлдирилиши, тараққиётдан тўхташ, моддий йўқотишлар, инсонларнинг ҳаёти, маънавий дунёқараши ва соғлиғига нисбатан салбий ҳолатларни келтириб чиқаришга замин яратмоқда. Шу тариқа, миссионерлик, аввало, давлатлар ва сиёсий кучларнинг геосиёсий режаларига хизмат қилувчи сиёсий қурол вазифасини ўтаётганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Профессор С.Отамуродовнинг таъкидлашича эса, "миссионерлик" (миссия сўзидан) табири, мубашширлик - бирор динга эътиқод қилувчи халқлар орасида бошқа бир динни тарғиб этишни англатади[6,297]. Айнан миссионерлик миллий маънавиятимиз тараққиётига қарши қаратилган хавф-хатарлардан бири сифатида фаолияти авж олаётган ҳаракатдир. Бу ҳақда у миссионерлик аслида ташқаридан у ёки бу давлатга кириб келишини эътиборга олиб, шу маънода уни ташқи хавф-хатар сифатида қараш зарурлигига алоҳида эътибор қаратиб, бугун ҳаракат сафида у ёки бу динга эътиқод қилувчи дин вакиллари ўз динларидан воз кечиб, ўз динига эътиқод қилаётганларни ўзлари қатнашаётган динлар, диний оқимлар фаолиятига жалб қилиб, миллий маънавиятларининг ичидан емирилишига қаратилган фаолият олиб бормоқдалар, дея таъкидлаб ўтади. Ҳозирги кунда аксарият

## ФАЛСАФА, СИЁСАТ

миссионерлик ташкилотлари турли хил хайрия уюшмалари ниқоби остида “беғараз” ёрдам кўрсатувчи муассасалар сифатида намоён бўлмоқда. Миссионерлик фаолиятдан кўзланган асосий ғоя сиёсий бўлиб, ҳокимиятни қўлга киритишдир. Хусусан, миссионерликнинг асосий мақсади сиёсий бўлганлиги боис, жамият ва мамлакат учун ижтимоий ва сиёсий жиҳатдан хатарли ва ташвишли эканлигини англаш лозим.

Миссионерлик диний адоват кўзғатиш орқали миллий, ирқий, диний зиддиятларни вужудга келтиришга замин яратмоқда. Шу тариқа мазкур ҳолат, жамият хавфсизлиги ва мамлакат барқарорлигига таҳдид солиш орқали ҳукумат бошқарувида сепаратизмни шакллантирмоқда. Шунинг учун бундай зарарли ғоялар ва мафкураларга қарши кураш юртимизда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашнинг муҳим шартларидан биридир. Бошқача қилиб айтганда, “бу борада маънавий-маърифий тарғибот ишларининг таъсирчанлигини таъминлайдиган замонавий информацион ва компьютер технологияларини кенг жорий этиш, жамиятимизнинг мафкуравий иммунитетини кучайтиришга қаратилган самарали усул-услугларни ишлаб чиқиш, давлат ва жамоат ташкилотлари учун тегишли тавсия ва қўлланмаларни тайёрлаш бугунги кунда муҳим вазифамизга айланиб бораётганини чуқур тушуниб олишимиз зарур”. Бунда мустақил Ўзбекистонда диний экстремизмнинг прозелитизм ва миссионерлик каби глобаллашиб бораётган кўринишларига қарши курашда “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги 1998 йил 1 майда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Қонуни асосий тўсиқ бўла олишини барчамиз пухта билишимиз лозим. Қонуннинг 1-моддасида “Ўзбекистон Республикасида ҳар бир шахснинг виждон эркинлиги ва диний эътиқод ҳуқуқини, динга муносабатидан қатъий назар, фуқароларнинг тенглиги таъминланиши” кафолатлаб қўйилган. 5-моддасида эса, Ўзбекистонда давлат диний конфессиялар ўртасидаги тинчлик ва тотувликни қўллаб-қувватлаши билан бирга, бир диний конфессиядаги диндорларни бошқасига киритишга қаратилган хатти-ҳаракатлар (прозелитизм), шунингдек,

бошқа ҳар қандай миссионерлик фаолияти ман этилиши алоҳида кўрсатиб ўтилган.

Ҳозирги кунда миссионерлик ва прозелитизм ҳаракатлари жамиятни ичдан емирувчи иллат сифатида аксарият инсонларни ўз динидан воз кечиб, ўзга динни қабул қилишга мажбур қилиш ҳолатлари тобора кучаймоқда. Натижада, миссионерлик ва прозелитизм ҳаракати оқибатида муайян минтақа ва ҳудудда дин ва диний қарашларга ўз таъсирини ўтказиш орқали ҳар қандай халқ ва миллатнинг маънавиятига раҳна солмоқда. Дунё миқёсида авж олаётган глобаллашув жараёнлари эса миссионерлик ва прозелитизмга нисбатан жиддий фикрлашни талаб этмоқда. Миссионерлик ва прозелитизм тарафдорлари аксарият ҳолатларда муайян минтақа ва ҳудудда халқнинг азалдан шаклланган маънавиятига раҳна солиш орқали “ўзгача” маънавиятни тарғиб этмоқда. Мазкур ҳаракатлар кўп ҳолларда лоқайдлик, худбинлик, нодонлик, бузуқлик каби иллатларни шакллантириш орқали ҳар қандай халқ ва миллатни маънавий тубанликка етакламоқда. Натижада, ҳар қандай халқ ва миллат маънавиятини забт этиш орқали мамлакатни ўзига тобе этиш мақсади намоён бўлмоқда.

Миссионерлик ва прозелитизм моҳиятан фуқароларнинг ўз эътиқодига нисбатан шубҳа уйғотиш орқали кишиларнинг конституциявий ҳуқуқи, яъни эркин фикрлаш ва виждон эркинлиги ҳуқуқларининг бузилишига олиб келяпти. Уларнинг аксарият ҳолларда махфийликка асосланган ҳолда ўз фаолиятларини амалга ошираётганлиги, айниқса, хатарлидир. Шу ўринда, миссионерлик ва прозелитизм замирида шахснинг онги ва қалбига ўтакетган диний фанатизм унсурларини сингдираётганлигига ҳам алоҳида урғу бериш зарурдир. Бунда миссионерлик ва прозелитизм тарафдорлари ўз ғояларини тарғибот ва ташвиқот қилишда, энг аввало, жамият ҳаётида ўз ўрнини топа олмаётган руҳий тушкунлик ҳолатига тушган инсонларни ўз таъсирига олиш асосий мақсади эканлиги тобора ойдинлашмоқда. Юқоридаги маълумотлар шуни кўрсатадики, миссионерлик ҳаракати анча мураккаб кўринишлардаги сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий муаммоларнинг келиб чиқишига

сабаб бўлиб, бу, ҳозирда ҳам давом этмоқда. Хусусан, миссионерлик ва прозелитизм тарафдорлари ўзга дин вакиллари орасига нифоқ ва адоват солиш орқали миллий, диний муносабатларга раҳна солиш йўли билан миллий ва умуминсоний қадриятларга салбий мурасасизликни шакллантиришда намоён бўлмоқда. Ўз динларини ўзга дин вакиллари орасида тарғибот ва ташвиқот қилиш орқали эса диний тотувликка ҳам жиддий путур етказмоқда. Айниқса, айрим ёшларнинг соғлом диний маълумотнинг етишмаслиги, уларнинг ишонувчанлиги, бирданига бойлик, шон-шуҳрат, мартабага эга бўлишга интилиши сингари руҳий ҳолатлар туфайли уларни миссионерлик ва прозелитизм таъсирига тушиб қолаётганлиги ғоят ташвишлидир.

Минг афсуски, бу кучларнинг асл қиёфаси, мақсад-муддаолари ва имкониятларини тўла ва аниқ-равшан тасаввур қилиш осон эмас. Чунки улар кўпинча турли ниқоблар, жозибали шиор ва ғоялар пардаси остида иш кўради. Бундай кучларнинг ихтиёрида жуда катта моддий, молиявий ресурслар ва имкониятлар мавжуд бўлиб, уларнинг пухта ўйланган, узоқ ва давомли ёвуз мақсадларига хизмат қилишини ҳам эътибордан соқит қилиб бўлмайди. Бинобарин, дунё миқёсида, тинчлик ва барқарорликка раҳна солишга интилаётган миссионерлик фаолиятини ўз вақтида англаш, улардан доимо огоҳ бўлиш, мазкур ҳаракатларни ўз вақтида бартараф этиш бугунги куннинг долзарб вазифаси эканлигини ҳар биримиз чуқур англашимиз лозим.

#### Адабиётлар:

1. Миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатлик – халқимиз тинчлиги ва фаровонлигининг муҳим омилidir. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Республика байналмилал маданият маркази ташкил этилганининг 25 йиллигига бағишланган учрашувдаги нутқи. <http://www.uza.uz/oz/politics/millatlararo-d-stlik-va-amzhi-atlik-khal-imiz-tinchligi-va-f-24-01-2017>
2. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: “Маънавият”, 2008.
3. Хантингтон Самюэль. Столкновение цивилизаций. пер. с англ. - М.: АСТ, 2014.
4. Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш энг олий саодатдир. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2015.
5. Жўраев Н. Тарих фалсафасининг назарий асослари.-Т: “Маънавият”.
6. Отамуротов С. Глобаллашув ва миллий - маънавий хавфсизлик. Т., “Ўзбекистон”. 2013.

(Тақризчи: Т.Абдуллаев – фалсафа фанлари доктори, профессор)